

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ўзбекистон Республикаси Экология,
атроф-мухитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ўринбосари**



Ж. Казбеков

2025 йил “ 28 ” январь

**Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги доимий фаолият юритувчи
экспертлар Кенгашининг йиғилиш**

1 - Баёни

2025 йил 28 январь

Тошкент шаҳар

Раислик қилувчи:

Ж. Казбеков Ўзбекистон Республикаси Экология,
атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги ўринбосари.

Қатнашдилар:

**UCELL, PERFECTUM, MOBIUZ, BEELINE,
O‘ZBEKTELEKOM** компаниялари, Anglesey Food”
МЧЖнинг шаклидаги қўшма корхонаси, “RUSTAM
BATAREYA” МЧЖ корхоналарини вакиллари,
Экспертлар кенгаши аъзолари: З.М.Сатторов,
У.А.Содиқова, Р.И. Раззаков, В.Б. Абдувоҳидов,
В.В. Ши-сян, А.В. Жданов, М.С.Малышев,
Д. Махмудов.

КУН ТАРТИБИ:

1. “UNITEL” МЧЖ корхонасининг 2024-йил 20-декабрдаги 03380/24-И-сон мурожаатига асосан, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда республика ҳудудида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш мақсадида оптик толали ва бошқа кабелларни ўтказиш, мобиль алоқа учун елканли антенна ўрнатиш ишлари фаолиятларнинг атроф-мухитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқиш;

2. “Anglesey Food” МЧЖнинг шаклидаги қўшма корхонасининг 2024-йил 6-декабрдаги 3159-сон мурожаатига асосан, “Корзинка” супермаркети фаолияти бўйича атроф-мухитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш;

3. “RUSTAM BATAREYA” МЧЖ корхонасининг 2024-йилдаги мурожаатига асосан, автомобил аккумуляторларини йиғиш фаолияти бўйича атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш;

4. Республика ҳудудида турар жой биноларни қуриш фаолияти атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш масаласи;

Кун тартибидаги масалалар юзасидан раислик қилувчи Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ўринбосари Ж.Қазбеков Кенгаш йиғилишини очиб, Тошкент архитектура-қурилиш университети, қурилиш ва атроф-муҳит муҳандислиги кафедраси профессори З.Сатторов, Тошкент давлат аграр университети вакили К.Бухоров ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасини мутахассиси В.Абдувоҳидовлар онлайн тарзда ZOOM орқали, “ТИҚХММИ” МТУ “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси, техника фанлари бўйича фалсафа доктори Р.Раззаков, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти “Гидроэкология ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш лабораторияси мудири У.Содиқовалар Марказдан иштирок этаётганлиги ва хулоса қабул қилиш учун етарли қворум борлигини маълум қилиб, кун тартибини эълон қилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан “UNITEL” МСҲЖ корхонасининг 2024-йил 20-декабрдаги 03380/24-И-сон мурожаати ҳамда республика ҳудудида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш мақсадида республика ҳудудида уяли алоқа компаниялари томонидан оптик толалар ва бошқа кабелларни ўтказиш ва мобиль алоқа учун елканли антенна ўрнатиш фаолиятлари атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг қайси тоифасига мансублиги кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, экспертлар Кенгашининг йиғилишда республика ҳудудида фаолият юритувчи уяли алоқа компаниялари UCELL, PERFECTUM, MOBIUZ, BEELINE, O‘ZBEKTELEKOM вакиллари томонидан давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун тақдим этилган аризалар Марказнинг ҳудудий филиаллари томонидан турли хил сабаблар билан рад этилганлиги айтиб ўтилди.

Жумладан, аризалар электрон хариталарини тўлдириш ва имзолаш жараёнида ҳудудий инспекторлар билан келишмовчиликлар келиб чиқиши, IV тоифага мансуб (маҳаллий таъсир кўрсатиш) объектларга жамоатчилик эшитувларини ўтказиш каби талаблар билан қайтарилган.

Ушбу масала бўйича, давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь томонидан, ҳудудий экологик назорат инспекторлари ва Давлат экологик экспертизаси марказининг ҳудудий филиаллари ходимларига 2025 йил 7-8 феврал кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган ўқув семинарда уяли алоқа компанияларининг мурожаатлари муҳокамасини ўтказилиши ҳамда ушбу ҳар бир объектга алоҳида ёндашиш зарурлиги тушунтирилиши маълум қилинди.

Муҳокама этилаётган масала юзасидан давлат экологик экспертизаси маркази бош эксперти А.Жданов, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунига асосан оптик толали ва бошқа кабелларни ўтказиш ва мобиль алоқа учун елканли антенна ўрнатиш фаолиятлари экологик экспертиза объекти эканлиги таъкидлади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорининг 2-илоvasи 23-бандининг “а” кичик бандига мувофиқ, агарда фаолият кўрсатаётган объектлар реконструкция, модернизация қилинган, қайта ташкил этилган, кенгайтирилган ёки жойлашуви ўзгартирилган тақдирда атроф муҳитга таъсир баҳоланади ва атроф муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги баёнот лойиҳаси ишлаб чиқилиб, давлат экологик экспертизасидан ўтказиши лозимлиги тушунтирилди.

Ушбу масала юзасидан давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь фикр билдириб, “UNITEL” МЧЖ, ҳамда республикада фаолият юритувчи барча уяли алоқа компаниялари жумладан, UCELL, PERFECTUM, MOBIUZ, BEELINE, O‘ZBEKTELEKOM, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорига мувофиқ, ҳар бир объектда ўрнатилган ва ишлатилган асбоб-ускуналарнинг хусусиятлари, технологик жараёнлар ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда, алоҳида тоифалар белгиланишини билдириб, экспертлар кенгаши аъзоларига ҳолат юзасидан фикр билдиришларини таклиф қилди.

Кенгаш аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини бир овоздан маъқуллаб, республикада фаолият юритувчи барча уяли алоқа компанияларининг фаолиятлари атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг тоифалари ҳар бир объект учун алоҳида белгиланиши бир овоздан маъқуллашди.

Кун тартибидagi **иккинчи масала** юзасидан, “Anglesey Food” МЧЖнинг 2024-йил 6-декабрдаги 3159-сон мурожаатига асосан “Anglesey Food” МЧЖга қарашли савдо мажмуаси (супермаркет) фаолиятига 2024-йил 01-декабрда

IV тоифа билан чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва жойлаштирилишининг йўл қўйиладиган чекланган миқдори (ЧЧМ) экологик меъёрий лойиҳаси учун 01-02/14-2959-сон билан олинган хулоса бўйича атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш ва берилган хулосаларнинг қонунийлигини аниқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Кенгаш аъзоларига “Anglesey Food” МЧЖ вакилари томонидан “Корзинка” супермаркетларни ташкилаштириш билан боғлиқ ҳужжатлар ва тақдимот намоиш этилиб, унда супермаркетларнинг форматлари, ўрнатилган ускуналар ҳажмларни ва қувватлари ҳақида маълумот берилди.

Давлат экологик экспертизаси маркази Тошкент шаҳар филиали етакчи эксперти Н.Рахматуллаев ҳолат юзасидан тушунтириш бериб, Тошкент шаҳри, Яккасарой туманида «ANGLESEY FOOD» МЧЖга қарашли савдо мажмуаси (супермаркет) фаолияти учун экологик норматив лойиҳасида савдо мажмуасида ўрнатилган печлар, нонвойхона ва ошхонада ўрнатилган ускуналар, уларнинг ёқилғи манбалари, сони, русумлари, қуввати, савдо зали

ва омборхонада ўрнатилган музлатгичлар, уларнинг сони, русумлари, қуввати ва қувват манбалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилмаганлиги сабабли, **2024-йил 01-декабрда 01-02/14-2959-сон** билан рўйхатга олинган давлат экологик экспертизаси қайта ишлаш учун қайтарилганлигини маълум қилди.

Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь муҳокама этилаётган масала юзасидан фикр билдириб, Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 7-сентябрдаги 541-сон қарорига 1-иловага мувофиқ, агарда корхонанинг омборхонасида бир нечта турли сигимли совутгич қурилмалари ўрнатилган, савдо залида ўрнатилган бир нечта музлатгичлар ва бошқа асбоб-ускуналари ўрнатилган бўлса атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг III-тоифа, 52-банди (қуввати 100 МВтдан кам бўлган иссиқлик, шунингдек, фото, шамол электр станциялари ва бошқа ёндириш қурилмалари) ёки 56-бандларига (50 тоннадан ортиқ сигимли совутгич қурилмалари) мансуб бўлишини маълум қилди. Шунингдек, бу объектнинг тоифасини аниқлаш учун ҳулосада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиб ҳамда таълуқли барча маълумотлар билан қайта тақдим этиши лозимлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, ТИҚХММИ МТУ “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси Техника фанлари бўйича фалсафа доктори Р. Раззаков ва Давлат экологик экспертизаси маркази бош эксперти М.Малышевлар Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сяннинг фикларини қўллаб-қувватлаб, шу мазмунда фикр билдирдилар.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини бир овоздан маъқуллашди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан **“RUSTAM BATAREYA”** МЧЖнинг корхонасининг 2024-йилдаги мурожаатига асосан, автомобил аккумуляторларини йиғиш фаолияти бўйича атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасига аниқлик киритиш масаласи юзасидан қилган мурожаатни Экспертлар кенгаши томонидан кўриб чиқиш зарурати туғилганлигини баён қилди.

Экспертлар кенгашида қатнашган **“RUSTAM BATAREYA”** МЧЖ корхонасини раҳбари томонидан автомобил аккумуляторларини йиғиш технологик жараёни қисқача тушунтириб берилди.

Давлат экологик экспертизаси маркази Бош директори ўринбосари В.Ши-сянь муҳокама этилаётган масала юзасидан фикр билдириб, объект фаолиятининг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасини аниқлаш учун, экспертлар кенгаши аъзолари объектни жойига чиккан ҳолда белгилаш таклифини киритди. Мазкур таклиф кенгаш аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан Давлат экологик экспертизасига аризаларни қабул қилиш бўлимининг таклифига биноан, **республика ҳудудида турар-жой биноларни қуриш фаолиятининг атроф-**

муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасига ойдинлик киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Муҳокама этилаётган масала юзасидан Давлат экологик экспертизасига аризаларни қабул қилиш бўлими бошлиғи Ф.Шадманова республика бўйлаб ҳар хил типдаги турар-жой бинолари қурилаётганлиги, бироқ ушбу объектларни мураккаблигини ва қурилиш жиҳатларидан фарқларни инобатга олган ҳолда тоифасини аниқлашида қийинчиликлар туғилаётгани ҳақида гапириб ўтди.

Давлат экологик экспертизаси маркази Бош эксперти А.Жданов фикр билдириб, агар объектда канча кўп хонадон қурилиши режалаштирилган бўлса ва уларни иситиш учун ҳар бир хонадонга иситиш тизими учун ёндириш қурилмалари (икки контурли иситиш қозонлари) ўрнатилиши ва уларнинг ҳар бири атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба сифатида қабул қилиниши ва атмосфера ҳавосига кўп миқдорда ифлослантирувчи моддалар ташланиши ҳақида фикр билдирди.

“ТИҚХММИ” МТУ “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси, техника фанлари бўйича фалсафа доктори Р. Раззақов 1 та икки контурли иситиш қозонини ишлатишда кунига тахминан 16-20 м³ гача газ ёқиши тўғрисида сўзлади.

Давлат экологик экспертизаси маркази давлат экологик экспертизасини ўтказиш бўлими бош эксперти М.Малышев муҳокама этилаётган масала юзасидан ҳар бир қурилиши режалаштирилаётган объектда иситиш қозонларининг сони ҳамда ёқилғи (газ ёки бошқа ёқилғи) истеъмолидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон Қарорининг 1 иловаси III тоифа 52-банди асосида, уй-жой ва фуқаролик объектлари (кўп қаватли турар жой, офис, клиника, касалхона, боғча, мактаб ва савдо марказлари)ни ёндириш қурилмалари мавжуд объект сифатида қабул қилиниши лозимлиги ҳақида айтиб ўтди.

Марказнинг Бош директор ўринбосари В.Ши-сянь экспертлар кенгаши аъзолари фикрларини қўллаб-қувватлаб, уй-жой ва фуқаролик объектларини иситиш тизими ёндириш қурилмалар орқали амалга оширилганда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорининг 1-илоvasидаги “Давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият турларининг рўйхати”га мувофиқ III-тоифа 52-бандига (қуввати 100 МВтгача бўлган иссиқлик, шунингдек, фото, шамол электр станциялари (биноларнинг том ва фасад қисмида ўрнатишга мўлжалланган куёш фотоэлектр станциялари бундан мустасно) ва бошқа ёндириш қурилмалари) мансуб, марказий иситиш тизимига уланган турар жой бинолари IV тоифа 7 бандига (рекреация ва уй-жой-фуқаролик объектлари) киритилиши кераклиги ҳақида фикр билдирди.

Экспертлар кенгаши аъзолари В.Ши-сяннинг таклифини бир овоздан маъқуллашди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги давлат экологик экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ муаммоли ва баҳсли масалаларни ҳал этиш бўйича доимий фаолият юритувчи

Экспертлари кенгаши тўғрисидаги Низомга асосан, тўпланган ҳужжатларини ўрганиш натижасига кўра, Экспертлари кенгаши қуйидагича

ХУЛОСА ҚИЛАДИ:

1. “UNITEL” МЧЖ ҳамда республикада фаолият юритувчи барча уяли алоқа компаниялари жумладан, UCELL, PERFECTUM, MOBIUZ, BEELINE, O‘ZBEKTELEKOM, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорига мувофиқ, ҳар бир объектда ўрнатиладиган ва ишлатилган асбоб-ускуналарнинг хусусиятлари, технологик жараёнлар ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда, алоҳида тоифалар белгилансин.

2. “Anglesey Food” МЧЖнинг шаклидаги қўшма корхонасининг 2024-йил 6-декабрдаги 3159-сон мурожаатига жавобан, “Корзинка” супермаркетларни фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 7-сентябрдаги 541-сон қарорига 1-иловага мувофиқ, агар корхонада бир нечта турли сигимли совутгич (музлатгич) қурилмалар ва бошқа асбоб-ускуналари ўрнатилган бўлганда, уларнинг умумий ҳажми ва қувватидан келиб чиқиб атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг III-тоифанинг 52-банди (қуввати 100 МВтдан кам бўлган иссиқлик, шунингдек, фото, шамол электр станциялари ва бошқа ёндириш қурилмалари) ёки 56-бандларига (50 тоннадан ортиқ сигимли совутгич қурилмалари) мансублиги белгилансин.

3. Тошкент шаҳар “RUSTAM BATAREYA” МЧЖ томонидан йўллаган мурожаатига асосан, автомобил аккумуляторларини йиғиш фаолиятининг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасини аниқлаш учун, экспертлар кенгаши аъзолари томонидан объектни жойига чиққан ҳолда ўрганилсин ва объектнинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифаси белгилансин.

4. Республика ҳудудида уй-жой ва фуқаролик объектларини иситиш тизими ёндириш қурилмалар орқали амалга оширилганда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ III-тоифа 52-бандига (қуввати 100 МВтгача бўлган иссиқлик, шунингдек, фото, шамол электр станциялари (биноларнинг том ва фасад қисмида ўрнатишга мўлжалланган қуёш фотоэлектр станциялари бундан мустасно) ва бошқа ёндириш қурилмалари) мансуб, марказий иситиш тизимига уланган турар жой бинолари IV тоифа 7 бандига (рекреация ва уй-жой-фуқаролик объектлари) мансублиги белгилансин.

5. Экспертлар кенгаши баённомаси нусхаси маълумот учун манфаатдор томонларга етказилсин.

Тошкент архитектура-қурилиш университети
Қурилиш ва атроф-муҳит муҳандислиги
кафедраси профессори

 **З.М.Сатторов**

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот
инститuti “Гидроэкология ва сув ресурсларини
муҳофаза қилиш лабораторияси мудири

 **У.А.Содиқова**

ТИҚХММИ МТУ “Экология ва сув ресурсларини
бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси,
Техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Р.И. Раззаков

Соғлиқни сақлаш вазирлиги СЭО ва ЖС
қўмитаси, санитария гигиена бошқармаси
мутахассиси

*Хизмат
дафарида*

В.Б. Абдувоҳидов

Давлат экологик экспертизаси маркази
Бош директорининг ўринбосари-давлат экологик
экспертизасини ўтказиш Бошқарма бошлиғи
вазифасини бажарувчи

В.В. Ши-сян

Давлат экологик экспертизаси маркази давлат
экологик экспертизасини ўтказиш бўлими
бош эксперти

А.В. Жданов

Марказ бош юрисконсулти

Д. Маҳмудов

Давлат экологик экспертизаси маркази давлат
экологик экспертизасини ўтказиш бўлими
бош эксперти

М.С. Малышев